



**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ:
РИВОЖЛANIШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Исаджанов Абдували Абдурахимович

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
профессор в.б., и.ф.д.*

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида туризм индустриясини ривожлантириш, мамлакатга ташриф буюраётган хорижий туристлар сонини ошириш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-мақсадида: «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш; республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш; тўсиксиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш; 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 баравар ошириб, 520 минг нафарга етказиш белгиланган [1].

Замонавий глобал муаммолар – озиқ-овқат, энергетик, экологик, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ бўлган муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу хавфлар туризм индустриясининг барқарор иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Глобал интеграциялашган иқтисодиётга таъсир қилувчи замонавий сиёсий, иқтисодий, технологик рисклар паст ўсиш, паст инвестициялар ва паст ҳамкорлик даврини бошлаб бермоқда, бир неча ўн йилликлар тараққиётдан сўнг инсон ривожланишининг потенциал, Жаҳон иқтисодий форум (World Economic Forum) маълумотларига кўра, пасайишига олиб келиши мумкин [2].

Саноат инқилоби туфайли юзага келган ва олтин стандарти мавжуд бўлган глобаллашувнинг биринчи кенг кўламли тўлқини Биринчи жаҳон урушининг бошланиши билан якунланди. Халқаро савдо (экспорт ва импорт ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоиз сифатида ифодаланган) 1914 йил даражасига факат 1970 йилларда қайтди.

Савдо ўсиши 2008 йилги глобал молиявий инқироздан кейин тўхтаб қолди ва пандемия пайтида вазият янада ёмонлашди. Охирги ўн йилликларда шаклланган глобаллашув модели ахолининг турмуш даражасини оширишга, ўрта синфи шакллантиришга ҳаракат қилган ва нисбатан арzon ишчи кучи таклиф қила оладиган кўплаб ривожланаётган



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

мамлакатлар томонидан экспортга йўналтирилган моделни қуриш; бозор иқтисодиётини ривожлантириш, шу жумладан, постсовет худудида; турли тўсиқларни (савдо, сиёсий, бюрократик, инвестицион) камайтиришга қаратилган эди.

Хозирда глобаллашув жараёнлари "учта К" муаммосига дуч келмоқда: К - ковид (COVID-19), иқлим ўзгариши (Climed Change), можаролар (Conflicts). Шу билан бирга, бошқа тенденциялар ҳам кузатилмоқда:

- халқаро мигрантлар сони 1990 йилдаги 153 миллион кишидан (дунё аҳолисининг 2,9 фоизи) 2020 йилда 281 миллионга (3,6 фоиз) етди;
- 2020 йилда трансчегаравий молиявий активлар ҳажми 130 триллион АҚШ долларга етди, бу инқирозгача бўлган 2007 йилга нисбатан қарийб 60 фоизга кўп ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 153 фоизини ташкил этиб, 2008 йилдаги энг юқори кўрсаткичдан ошиб кетди, деб ёзади The Economist;
- UNCTADning дастлабки маълумотларига кўра, жаҳондаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2020 йилдаги 929 миллиард доллардан 2021 йилда 1,65 триллион АҚШ долларгача ошиб, пандемиядан олдинги даражадан ошиб кетди.

Туризм саноати COVID-19 пандемиясидан жиддий зарар кўрган қўплаб соҳалардан биридир. 2020 ва 2021 йилларда бутун дунё бўйлаб туризмдан олинган даромадлар 4 триллион долларга қисқарди, ишлизлик даражаси эса 5,5-15 фоизга ошиди [3].

Глобал иқтисодий фаоллик янада кенгроқ ва кескинроқ секинлашувни бошдан кечирмоқда, инфляция бир неча ўн йиллар давомида кузатилган даражадан юқори. Аксарият худудларда молиявий ахволининг кескинлашиши ва давом этаётган COVID-19 пандемияси ривожланиши истиқболларига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобал иқтисодий ўсиш 2021 йилдаги 6,0 фоиздан 2022 йилда 3,2 фоизга ва 2023 йилда 2,7 фоизга секинлашиши прогноз қилинмоқда. Бу глобал молиявий инқироз ва COVID-19 пандемиясининг ўткир босқичини хисобга олмаганда, 2001 йилдан бери энг заиф ўсишdir [4].

Хусусан, жаҳон тенденциялари таъсирида туризм индустряси компаниялари тобора кўпроқ халқаро фаолият стандартларига, трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва халқаро тармоқ бирлашмалари шаклида туризм хизматларини кўрсатишнинг янги ташкилий шаклларини яратиш; халқаро ахборот-коммуникация тизимларини шакллантириш шулар жумласидандир.

Натижада, жаҳон миёсидаги рўй берадиган мураккаб жараёнлар биринчи навбатда глобаллашув жараёнлари билан боғлиқлиги намоён



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

бұлмоқда. Глобаллашув шароитида туризм индустриясида трансмиллий мәхмөнхона занжирларини ривожланиши күзга ташланмоқда. Уларнинг фаолияти юқори даражада сифатли хизматларни тақдим этиш билан бирга, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, инновацион технологияларни құллаш, юқори малакали кадрлардан самарали фойдаланиш тизимларини яратиш билан ажралиб туради.

Туризм индустриясининг глобаллашув күрсаткичлари халқаро мәхнат тақсимотининг чуқурлашиши, иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши ва фаоллашуvida намоён бұладиган халқаролашувнинг кучайиши хисобланади.

Унинг инфратузилмаси, жумладан, сайёхларни жойлаштириш объектлари, умумий овқатланиш объектлари, транспорт, туристларга ва бошқа субъектларга хизмат күрсатадиган туристик хизматлар күрсатишининг долзарб объектларининг үзиге хослигини таъкидлаш керак.

Жағон тенденциялари таъсирида: туризм индустриясидаги компаниялар халқаро фаолият стандартларини тобора күпроқ бошқармоды; трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва халқаро тармоқ бирлашмалари шаклида туризм хизматларини күрсатишининг янги ташкилий шаклларини яратиш; халқаро ахборот ва коммуникация тизимларини шакллантириш юзага келмоқда.

Глобаллашув шароитида туризм индустриясининг истиқболлари, бир нечта омиллар билан белгиланади. Биринчидан, туризм соҳасидаги глобаллашув халқаро туристик оқимларнинг, хизматлар, капитал, ахборот ва технологиялар оқимининг кескин үсиши жараёни сифатида таърифланиши мүмкін, бунинг натижасида туризм корхоналар ва ташкилотларнинг үзаро боғлиқлиги ва үзаро таъсири кучаяди.

Иккинчидан, глобаллашув тенденциялари таъсирида туризм индустрияси компаниялари тобора күпроқ халқаро фаолият стандартларига, трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва халқаро тармоқ бирлашмалари шаклида туризм хизматларини күрсатишининг янги ташкилий шаклларини яратиш; халқаро ахборот-коммуникация тизимларини шакллантириш шулар жумласидандир.

Учинчидан, туризм индустриясининг глобаллашув күрсаткичлари халқаро мәхнат тақсимотининг чуқурлашиши, иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши ва фаоллашуvida намоён бұладиган халқаролашувнинг кучайиши билан боғланмоқда. Унинг инфратузилмаси, жумладан, сайёхларни жойлаштириш объектлари, умумий овқатланиш объектлари,



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

транспорт, туристларга ва бошқа субъектларга хизмат кўрсатадиган туристик хизматлар кўрсатишнинг долзарб объектларининг ўзига хослигини ҳам таъкидлаш керак.

Тўртингчидан, жаҳон тенденциялари таъсирида туризм индустрисидаги компаниялар халқаро фаолият стандартларини тобора кўпроқ бошқармоқда; трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва халқаро тармоқ бирлашмалари шаклида туризм хизматларини кўрсатишнинг янги ташкилий шаклларини яратиш; халқаро ахборот ва коммуникация тизимларини шакллантириш.

Бешинчидан, туризм соҳасидаги глобаллашув халқаро туристик оқимларнинг, хизматлар, капитал, ахборот ва технологиялар оқимининг кескин ўсиши жараёни сифатида таърифланиши мумкин, бунинг натижасида туризм бизнеси корхоналари ва ташкилотларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири кучаяди.

Олтинчидан, халқаро меҳмонхона тизимида меҳмондўстлик моделларининг замонавий шакллари, йирик меҳмонхона корпорацияларнинг ўрта ва кичик туристик корхоналар билан ўзаро алоқаларини ривожланишига, франчайзинг тизимини туристик корхоналар фаолиятида кенг жорий қилинишига қаратилмоқда. Туристик маҳсулотнинг хилма-хиллиги туризм саноати корхоналарининг халқаро интеграциялашуви ва кооперацияси шаклларида ўз изини қолдиради. Аксарият интеграция ва ҳамкорлик бирлашмалари саноат асосида ташкил этилади – туроператор бизнесида ТМКлар, транспорт ташувчи-ларнинг – халқаро уюшмалари, меҳмонхона бизнесида – халқаро меҳмонхона тармоқлари, ресторон бизнесида – халқаро ресторан тармоқлари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>
2. Global Risks Report 2023 18th Edition. World Economic Forum. Geneva Switzerland. January 2023. https://www3.weforum.org/docs/WEF_Global_Risks_Report_2023.pdf?_gl=1*1cyfttu*_up*MQ..&gclid=Cj0KCQiA6LyfBhC3ARIsAG4gkF_B71g4f-CVz85LjcZj_4FGlO9a58bQ_s-lFL3xjiRp469YrPsdpWUaAuAbEALw_wcB
3. UNWTO. Global Economy Could Lose Over \$4 Trillion Due to COVID-19 Impact on Tourism. 2021. Available online: <https://www.unwto.org/-/media/assets/documents/reports-and-publications/unwto-global-economic-report-2021-global-economy-could-lose-over-4-trillion-due-to-covid-19-impact-on-tourism.ashx>



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

unwto.org/news/global-economy-could-lose-over-4-trillion-due-to-covid-19-impact-on-tourism.

4. Перспективы развития мировой экономики. Противостояние кризису стоимости жизни. МВФ. Октябрь 2022 года.
<https://www.imf.org/ru/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022>